

**Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари
(кейинги ўринларда – адлия органи) томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари турлари,
улардан фойдаланиш учун зарур бўлган шакллар ва бланкалар ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар ҳақида**

МАЪЛУМОТ

| № | Адлия органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматлари турлари | Ҳуқуқий асоси | Давлат хизмати кўрсатиладиган жой | Тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати |
|----|---|--|---|---|
| 1. | Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом. | Лицензияларни бериш талабгорнинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойидаги адлия органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. | Лицензия олиш учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак: лицензия бериш тўғрисида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспорт маълумотлари кўрсатиладиган ариза; талабгор томонидан унинг аризасини адлия органи кўриб чиқиши учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун талабгордан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия талабгор адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан кейин икки кун муддатда берилади. |
| 2. | Адвокатлик гувоҳномасини бериш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом. | Адвокатга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик фаолиятини амалга оширадиган адвокатлик тузилмаси давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги ҳудудий адлия органи томонидан берилади. | Адвокатлик гувоҳномаси адвокат мақомига эга бўлишга талабгор бўлган шахсга адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳудудий |

| | | | | |
|----|--|--|--|---|
| | | | | <p>адлия органи томонидан олинган пайдан эътиборан уч иш куни ичида берилади.</p> <p>Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ёхуд адвокатлар ҳайъатини ташқил қилган талабгор ва (ёки) адвокат худудий адлия органи томонидан адвокатлик тузилмаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган куннинг эртасидан кечиктирмай ана шу худудий адлия органига сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 x 4 см ўлчамида рангли фотосуратидан 2 донадан тақдим этади.</p> <p>Адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, худудий бошқарма талабгор ва (ёки) адвокат тегишли адвокатлик тузилмасига (адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати, юридик маслаҳатхона) қирган куннинг эртасидан кечиктирмай ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқнинг, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхасини, сўнгги 12 ой мобайнида қилинган 3 x 4 см ўлчамдаги рангли фотосуратдан 2 донадан, шунингдек малака комиссиясининг талабгор томонидан адвокат қасамёдини қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорининг нусхасини худудий адлия органига тақдим этади.</p> |
| 3. | Адвокатнинг йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномаси ўрнига янги гувоҳнома бериш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон қарори билан тасдиқланган Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом. | Адвокатнинг йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳномаси ўрнига янги гувоҳнома бериш илгари гувоҳнома берган худудий адлия органи томонидан амалга оширилади. | Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома ўрнига янги гувоҳнома олиш учун адвокат гувоҳнома берган худудий адлия органига гувоҳноманинг йўқотилганлиги ёки яроқсиз ҳолга келганлиги ҳолатларини кўрсатган ҳолда янги гувоҳнома бериш тўғрисида ариза тақдим этади. <p>Гувоҳнома йўқотилганлиги муносабати билан янги гувоҳнома бериш тўғрисидаги аризага оммавий ахборот воситаларида гувоҳнома йўқотилганлиги ва у ҳақиқий эмас деб топиллиши ҳақида хабар эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Гувоҳнома яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли янги гувоҳнома бериш</p> |

| | | | | |
|----|--|--|---|--|
| | | | | тўғрисидаги аризага яроксиз холга келган гувоҳнома илова қилинади. |
| 4. | Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрида ҳисобга олиш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 августдаги 675-сон қарори билан тасдиқланган Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низом. | Ташкилотни Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотларининг реестрида ҳисобга олишни амалга ошириш ташкилот жойлашган жойдаги адлия органига ариза билан мурожаат этиш орқали амалга оширилади. | Юридик маслаҳатчилар ташкилоти Реестрда ҳисобга олишни амалга ошириш учун ташкилот жойлашган жойдаги адлия органига ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда ариза юборади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: юридик маслаҳатчилар ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси; юридик маслаҳатчиларнинг рўйхати, шу жумладан юридик маслаҳатчи маслаҳат берадиган мамлакат ҳукуқи тўғрисидаги маълумот; юридик маслаҳатчилар паспортларининг нусхалари; юридик маслаҳатчиларнинг олий юридик маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (агар юридик маслаҳатчи Ўзбекистон Республикаси ҳукуқи бўйича маслаҳат берадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси олий юридик таълим муассасаси томонидан берилган олий маълумот тўғрисидаги дипломи нусхаси, ёки хорижий олий ўқув юртида олинган олий юридик маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлигини эътироф этиш бўйича ваколатли давлат органининг гувоҳномаси); меҳнат дафтарчалари нусхалари ёки юридик маслаҳатчиларнинг иш стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар. |
| 5. | Профессионал медиаторлар реестрига киритиш. | Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга | Шахс махсус ўқув курсидан ўтгандан сўнг Профессионал медиаторлар реестрига киритиш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойидаги ҳудудий адлия органига мурожаат қилади. | Шахс махсус ўқув курсидан ўтгандан сўнг ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга киритиш ҳақидаги ариза билан доимий яшаш жойидаги ҳудудий адлия органига мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: паспорт нусхаси; мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома; |

| | | | | |
|----|---------------------------------------|---|--|--|
| | | | | махсус ўқув курсини тугатганлиги тўғрисидаги хужжат нусхаси. |
| 6. | Ҳакамлик судьялари рўйхатига киритиш. | Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом. | Ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига мурожаат қилинади. | Низомнинг 6 ва 8-бандларига кўра, доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги хужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади. Такдим қилинган хужжатларга асосан адлия органи белгиланган тартибда ҳакамлик судьялари рўйхатига киритилган шахсларнинг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади. |

**Юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи
тижорат ташкилотлари реестрини юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА**

(Реестрга киритишни амалга оширувчи адлия орган номи)

**юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари реестрига киритиш ҳақида
АРИЗА**

(юридик шахснинг тўлиқ номи,

давлат тилида)

юридик маслаҳат хизматларини кўрсатувчи тижорат ташкилотлари реестрига киритишни сўрайман.

Почта манзили: _____
Почта индекси: _____ Боғланиш телефони: _____

(тўлдирилган санаси ва вақти)

(ваколатли шахс — аризачи имзоси)

(қабул қилинган санаси ва вақти)

(адлия органи масъул ходимининг имзоси)

**Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА**

(худудий адлия органининг номи)

(ариза берувчининг Ф.И.О. яшаш жойи)

**Профессионал медиаторлар реестрига киритиш ҳақида
АРИЗА**

(фамилияси, исми, отасининг исми)

профессионал медиаторлар реестрига киритишни сўрайман.

Ихтисослашган медиация соҳаси: _____

Медиация тартиб-таомилини амалга оширишга қодир бўлган тил: _____.

Боғланиш телефони: _____

(тўлдирилган санаси ва вақти)

(аризачининг имзоси)

(қабул қилинган санаси ва вақти)

(қабул қилган масъул ходимнинг имзоси)

**Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА**

Сўровнома

1. Фамилияси _____

Исми _____

Отасининг исми _____


2. Туғилган санаси: _____ йил « _____ » _____ .

3. Паспорт серияси _____ рақами _____

Берилган санаси 20 _____ йил « _____ » _____ .

Ким томондан берилган _____

4. Маълумоти: _____



(ўқув юрти номи)

Тамомлаган йили _____

Диплом бўйича
мутахассислиги

Илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса)

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

| Т/р | Ишга кириш санаси | Ишдан кетиш санаси | Иш жойи ва лавозими |
|-----|-------------------|--------------------|---------------------|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| ... | | | |

6. Судланганлик ёки жиноий таъкиб ҳолати _____

7. Ўзига нисбатан муомала лаёқатини чеклаш ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисида суднинг қарори мавжудлиги _____

8. Уй манзили: _____

9. Электрон почта манзили _____

10. Боғланиш телефони (код кўрсатилган ҳолда) _____

11. Сўровномадаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилигини тасдиқлайман.

Сўровнома тўлдирилган сана: 20 _____ йил « _____ » _____ .

Шахсий имзо
